# Соғлом ҳаёт гарови

Бугун, 11 декабр куни Ўзбекистон тумани бир қатор спорт тадбирлари ташкил этилди.

Хусусан, дастлаб “Соғлом ҳаёт сари 5000 қадам” шиори остида ўтказилган оммавий юриш марафонида туман ҳокими Қ.Джураев, Фарғона вилоят жисмоний тарбия ва спорт бошқармаси бошлиғи М.Дадабоев, туман ҳокимлиги, халқ таълими ходимлари, маҳалла фуқаролари ва туман ёшларидан иборат кўнгиллилар қатнашди.









“Ўзбекистон” ўйингоҳининг йўлаклари бўйлаб юриб келишган тадбир иштирокчилари айнан шу ернинг ўзида эрталабки бадантарбия машқларини

бажардилар.




HAR BIR DAVLATNING KUCH VA
JISMONAN SOG'LOM VA HAR TOMONLAMA



Шунингдек тумандаги турли спорт иншоатларида ташкил этилган арқон тортиш, стол тенниси, стритбол, футбол ва волейбол каби спорт турлари бўйича ўтказилган мусобақаларда 2500 нафардан зиёд спорт ихлосмандлари, маҳалла аҳли ва ёшлар ўзаро баҳслашдилар.

**Ўзбекистон тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати**

2020-12-11 23:56:25